

2025 йил 8-сентябр

2034-йилга келиб ўта юқори молекуляр полиетилен бозори ҳажми 11,95 миллиард долларга етиши мумкин

Jahon kimyo sanoati xabarлари

2034-yilga kelib o'ʻta yuqori molekulyar polietilen bozori hajmi 11,95 milliard dollarga yetishi mumkin



uzkimyosanoat.uz



@uzkimyosanoat



uzkimyosanoat.uz



uzkimyosanoat



@uzkimyosanoat

2024-йилда жаҳон бозорида ўта юқори молекуляр полиетилен (ЎЮМП) ҳажми 2,73 миллиард долларни ташкил этди. 2025-йилда ушбу бозор 3,16 миллиард долларга етиши кутилмоқда ва прогнозларга кўра, 2034-йилгача 11,95 миллиард долларгача ўсиши мумкин. Бу эса ўртача йиллик ўсиш суръати 15,91% бўлишини англатади, деб хабар берди Verified Market Reports агентлиги ўз тадқиқотида.

2024-йилда энг катта даромад улуши Шимолий Америкага тўғри келган - 41%. Бу эса минтақанинг қудратли мудофаа саноати ва ривожланган соғлиқни сақлаш тизими билан изоҳланади. Минтақа кучли саноат базасига эга бўлиб, бу ЎЮМПнинг турли соҳаларда қўлланилишини кенгайтишига ёрдам бермоқда.

Ҳисоботга кўра, яқин йилларда Осиё-Тинч океани минтақаси энг тез ўсадиган бозорга айланиши кутилмоқда. Бу асосан тез индустриаллашув ва турли соҳаларда мустаҳкам, энгил материалларга бўлган талабнинг ортиши билан боғлиқ.

Мудофаа бюджетларининг ўсиши ва инфратузилма ривожини ҳам муҳим омиллар ҳисобланади. Европа эса инновациялар, барқарор ривожланиш ва юқори муҳандислик стандартларига бўлган эътибор туфайли катта салоҳиятга эга ҳудуд сифатида баҳоланмоқда.

ЎЮМП бозорининг ўсиши тиббиёт, аерокосмик, мудофаа ва саноат соҳаларида ушбу материалга бўлган талаб ортиши билан боғлиқ. Материалнинг ажойиб механик хусусиятлари, мустаҳкамлиги, юқори зарбага чидамлиги ва ишқаланишга қарши туриш қобилияти унинг оммалашувига тўртки бермоқда. Тиббий мақсадларда биомослик хусусияти ва энгил вазн ҳам материалнинг жозибдорлигини оширади.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/2034-yilga-kelib-uta-yuqori-molekulyar-polietilen-bozori-haz>